

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАЖЖАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

21 йил чиқиши. № 241 (5334). 10 декабрь, 1974 йил СЕШАНБА Баҳоси 2 тийи.

ТЕЖАМКОРЛАР

Олмалик кон-металлургия комбинатида халқ контроли группаси ердаида социалистик мусобадада белгилангандан икки баравар кўп—25 миллион киловатт-соатдан ортиқ электр энергия тежалди.

Энергетика ресурсларини тежаш юзасидан ўтказилган иш учун республика халқ контроли комитети комбинат халқ контроли беш группасини фахрий ёрлиқ билан мукофотлади.

ХАЛҚ МУЛКИНИНГ ПОСБОНЛАРИ

«Алмаликвинестрой» трест объектларида йил бошидан бери халқ контроли группаси ердаида икки юз тонна металл, сал кам икки минг тонна цемент, кўп миқдорда ёғоч-тахта, дераза ойиси ва бошқа қурилиш материаллари тежаб қолди. Трест халқ контролери ларнинг иш тажрибаси шаҳар халқ контроли комитетида умумлаштирилди. Шаҳар халқ

контроли комитети группа ишига илгор ишчиларни кенг жалб қилишга, асосий этиборини қурилиш машиналари ва механизмлардан фойдаланишни текширишга қаратилган, трест бошқармалари ва корхоналарида халқ контроли группаларининг раислари билан мунтазам машгулотлар ўтказиб туришни тавсия этди. (ЎзТАГ).

ТАСС АХБОРОТИ

«СОЮЗ-16»: ПАРВОЗ ТАМОМ БЎЛДИ

Космонавтар Анатолий Васильевич Филипенко ва Николай Николаевич Рукавишников ўртоқлар «Союз-16» кемасидаги иш программаси муваффақиятли тамом бўлгандан кейин 1974 йил 8 декабрь кунини ерга қайтиб тушди.

Москва вақти билан соат 11 дан 04 минут ўтганда «Союз-16» космик кемасининг тушириладиган аппарати Совет Иттифоқи территориясида Жезқазгон шаҳридан 300 километр шимолда ерга юмшоқ қўнди. Космонавтар ерга қўнгандан кейин ўзларининг яхши ҳис этмокдалар.

Олти суткалик орбитал парвоз давомида «Союз» ва «Аполлон» космик кемаларини туташтиришга доир 1975 йилда ўтказиладиган Совет — Америка эксперименти талабларига мувофиқ модернизация қилинган янги туташиш агрегати ва унинг автоматикаси, мўлжал олдириш системалари, ҳаракатни ва ҳаёт қобилиятини бошқаришнинг планлаштирилган синовлари ўтказилди. «Союз-16» кемасини маневр қилдириш, мўлжал олдириш ва стабиллаш ишларини бажариш вақтида экипажнинг биргаликда ўтказиладиган парвоз вазифалари билан бир хил вазифаларни ҳал этишдаги ҳаракатлари ва иш режимлари пухта синаб кўрилди.

Белгиланган программага мувофиқ космонавтар А. В. Филипенко билан Н. Н. Рукавишников илмий ва илмий-техникавий тадқиқотларни бажардилар, халқ ҳўжалиги манфаатлари йўлида Совет Иттифоқи территориясининг турли участкаларини фотосуратга олдилар. Бўлажак космик эксперимент шароитларига максимал даражада яқинлаштирилган шароитларда ўтказилган парвознинг ҳамма босқичларида «Союз-16» кемасининг системалари ва унинг бортига ўрнатилган аппаратлар нормал ишладди.

Парвоз давомида олинган илмий экспериментларнинг натижалари ишлаб чиқилмоқда ва ўрганилмоқда.

Суратда: «Союз-16» кемасидаги иш программасини муваффақиятли тутатган космонавтар А. В. Филипенко ва Н. Н. Рукавишников яна онда Ер бағрида. ТАСС—ЎзТАГ телефотоси.

МЕХНАТ КОЛЛЕКТИВИ — УСТОЗ ВА ТАРБИЯЧИ

«Социалистик жамиятнинг асосий аъёиқалари бўлиш меҳнат коллективларининг ролини ошириш социалистик демократияни риволантиришда катта ўрни олади. Бунда совет кишиларининг меҳнат ва ижтимоий фаолиятини кучайтириш учун кураш муҳим соҳадир. Бунда меҳнаткашларнинг янги социалистик ҳислатлари камол топади, дўстлик ва ўртоқларча ўзаро ердан муносабатлари нуҳудга келади. Ҳар бир кишининг коллектив олдидаги масъулияти ва коллективнинг ҳар бир ходими учун масъулияти — ҳаётининг энг муҳим ҳусуниятидир».

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг партия XXIV съездида қилган ҳисобот доқладида айтилган бу сўзлар янги совет кишинини — ватанпарвар, онгли кишиларни тарбиялаш, камол топтириш ва шакллантиришда гоят катта аҳамиятга эгадир. Инсон бори чин тарбияни олинда, сўнгра мактаб онги ўқув юртида олади. Лекин шундан кўнча ва қўнрақ янги оила, коллектив ва мактаб борки, у миллионларни меҳнатга, ақл-заковатга, янги турмушга ва оила қуришга, меҳнаткаш бўлиб етишишга ўргатади, ердан беради. Уларни жамият олдида масъулиятни ҳис этиладиган, юксак ахлоқий сифатларга эга бўлган кишилар қилиб тарбиялайди. Бу — меҳнат коллектив.

Коммунизмнинг том моҳияти шу билан белгиланганки, граждлар юксак даражада онгли ва жамият олдида масъулият ҳиссини сезади, юксак ахлоқий сифатларга эга бўладилар. Ана шунинг учун ҳам барча граждларнинг ижтимоий онгли қилиб тарбиялаш коммунистлик қурилиш жараёнининг энг муҳим таркибий қисмларидан биридир.

Бизнинг давримизда иқтисодий омиллар ҳам ана шундай тарбия зарурлигини эўр бериб тақозо этмоқда. Социалистик иқтисодиётнинг риволантиришда еришилган ҳозирги даража, фан-техника тараққиётининг шу кўнчи савияси ҳодимларнинг соф профессионал мадакасигагина эмас, шу билан бирга уларнинг меҳнат иттизомига, аниқ ишлашга, ушқоқчилигига ҳам жуда юксак талаблар қўймоқда.

Пойтахт области партия ташкилотлари меҳнаткашлар онгли шакллантириш, уларда совет кишини учун зарур бўлган ҳислатларни тарбиялаш, унинг сиёсий онглини ошириш, маънавий ҳаёт ва маданий қиёфасини ўстириш ва бойитиш соҳасида бирмунча икбий ишларни амалга оширмоқдалар. Корхона ва муассасада, коллектив ва жамоатчилик ўртасида, мактаб ва ўқув юртида меҳнат тарбияси, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш, янгича аъёлашларни тарбиялаш, янги партия, совет, касба союз ва комсомол ташкилотларининг фаолиятида асосий ўрни олган.

КПСС Марказий Комитетининг «Белорусия партия ташкилотига идеология кадрларини тайнлаш ва тарбиялаш соҳасидаги ишлар тўғрисида»ги қарориде айтилишича, партия ташкилотлари, идеология кадрлари ва барча ишлаб чиқариш ва тарбиялаш вазифаларини ҳал этишда жамиятнинг асосий аъёиқалари бўлган меҳнаткашлар коллективларига таяниб ишлаш тавсия этилади. Ҳар бир меҳнаткашлар коллективининг юксак сиёсий онгли, меҳнатда социалистик иттизом ва ушқоқчиликни тарбия қилувчи бўлишига эришиш, техникхўрлик, ички-кичилик, беэрилик қўнчиликлари ва жамиятга эид бошқа ҳул-атвор қўнчиликлари қарши шафқатсиз кураш олиб боришга еришмок керак.

Коммунистик қурилишда меҳнаткашлар коллективларини активлаштириш йўллари ва методларини чуқур ишлаб чиқиш, меҳнаткашлар тарбиялашда техника, иқтисодий, ташкилий, идеология ва бошқа омилларнинг биргаликда ҳаракат қили-

ши системасини чинқитириш зарур. Меҳнаткашларнинг меҳнат ва ижтимоий активлигини, тоъвий-сиёсий тарбия ишларининг самардорлигини ошириш учун ишлаб чиқариш коллективларини социал риволантиришни планлаштиришдан тўлароқ фойдаланиш лозим.

Бекобод металлургия заводи, Чирчиқ химия комбинати, Тошкент шаҳридаги экскаватор, «Ташсельмаш», Октябрь революцияси номли вагон-ремонт заводлари, тўқимачилик комбинати, трактор заводи ва бошқа корхоналарда мактаб ва ўқув юртларида, кўнчилик колхоз ва совхозларда меҳнат тарбияси партия, касба союз, комсомол ташкилотларининг кўндалик ишларида асосий ўрни олган. Бу юйлларда ҳар бир масала, айрим ҳодимларнинг фаолияти, ҳул-атвори коллектив диққат-эътиборида бўлади.

Партия йнгилишлари ва бюрлариде, касба союз ва комсомол мажлисларида, оила ва жамоатчилик ўртасида меҳнат тарбияси, социалистик қўнчилиги ва тарбиятларига риоа қилмаётган, социалистик жамият нормаларини бузиб, илтизомсизлик қилаётган шахсларнинг ҳул-атвори тез-тез муҳокама қилиб турилади. Ишчилар, хизматчилар ва барча ҳодимларнинг кучи, ғайрат ва ташаббуси, меҳнат фаолияти сиёсий ҳўжалик вазифаларини бажаришга сафарбар этилади.

Афсуски, ҳамма ерда ҳам меҳнат тарбияси масалаларига жиддий этибор берилаяпти, деб бўлмайди. Айрим шаҳар, район партия комитетлари, болонлиг партия ташкилотлари, касба союзлари, комсомол ва ҳўжалик органлари меҳнат коллективлари ролини ошириш билан етарли шугулланмаётдилар. Област партия комитетининг бўлиб ўтган пленумлари ва бюр йнгилишларида бу масалага алоҳида этибор берилди.

— Биз, — деган эди ўртоқ Л. И. Брежнев, — ариқларида сув ўрнига сут ва шарбат оқадиган ишмаклар салтанатини қўраётганимиз йўқ, аксинча, биз инсоният тарихида энг ушқоқ, энг меҳнатсевар жамият қўрмоқдамиз. Бу жамиятда энг меҳнатсевар ва ҳалол, ушқоқ ва юксак даражада онгли кишилар яшайдиган бўлади.

Бу ишни партия кенг жабақа бўйлаб олиб бормоқда ва тобора кенг жабақа бўйлаб давом эттиреради. Бу ўрнида аслида ҳамма нарсаси онтадаги тўғри муҳит ҳам, таълим жараёнини уюштириш ҳам, меҳнат коллективидеги соғлом вазиет ҳам, аҳолига маиший хизматни яхши ташкил этиш ҳам ва бошқа кўп нарсалар ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Меҳнат коллективи — кишиларнинг мустаҳкам социалистик группаси бўлиб, унинг учун қўндагилар характерлидир: умумий мақсаднинг таъ олиниши, онгли меҳнат иттизоми, соғлом ахлоқий психология, муҳит, демократик ташкилотларнинг ривож топаганили ҳамда давлат олдида жавобгар шахс — раҳбарнинг мавжудлиги.

Социалистик меҳнат коллективни — ўзаро бир-бирлари билан бевосита кўндалик муомала бўлган, муайян ишлаб чиқариш, илмий-техникавий ёки бошқа хил вазифаларни жамият мақсадларини йўлида ҳал қиладиган, умумий мақсад, иттизом ва ўзаро жавобгарлик билан боғлиқ бўлган кишиларнинг группаси демакдир.

Партия ташкилотлари коммунизмнинг моддий-техника базасини нуҳудга келтиришда, халқ фаровонлигини ошириш йўлида идеология ишларининг барча методлари ва шакллари билан кенг фойдаланишлари, ишбошқа ҳул-атвор қўнчиликлари қарши шафқатсиз кураш олиб боришга еришмок керак.



ВЛАДИВОСТОКДАГИ СОВЕТ-АМЕРИКА ҲУЖАТЛАРИ ВА МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ

Сиёсий адабиёт нашриёти шу йил 23-24 ноябрда Владивостокда бўлиб ўтган Совет-Америка учрашувлари ҳужжатлари ва материаллари тўпламини нашр этди.

Тўпланда КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Москвадан Владивостокқа жўнаб кетганлиги тўғрисидаги, ўртоқ Л. И. Брежневнинг Хабаровскка келиши ва у ерда бўлиши тўғрисидаги ҳамда Владивостокка келиши тўғрисидаги хабарлар бор. АҚШ президенти Ж. Форднинг Владивостокқа

келиши ҳақидаги, Л. И. Брежневнинг АҚШ президенти Ж. Форд билан олиб борган музокаралари ва уларнинг якуниловчи ҳужжатни имзолаганлиги тўғрисидаги хабарлар эълон қилинган.

Иттибоқда, шунингдек Совет-Америка қўшма ахбороти ва Совет-Америка қўшма баёоти текш-ларини, Л. И. Брежнев билан Ж. Форднинг Владивосток шаҳри бўйлаб қилган сафари ҳақидаги, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг АҚШ президенти шарафига берган эъфати тўғри-

сидаги хабарлар ҳам киритилган. Ана шу эъфатда Л. И. Брежнев билан Ж. Форд сўзлаган нутқларнинг тексти, Ж. Форд ва Л. И. Брежневнинг Владивостокдан жўнаб кетганлиги тўғрисидаги хабарлар эълон қилинган.

Тўпланда, шунингдек «КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг АҚШ президенти Ж. Форд билан учрашувларининг якуниловчи тўғрисида» КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советининг қарори ҳам босиб чиқарил-

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРИДА

Республиканин 1975 йилги халқ ҳўжалиги плани ва бюджет йилида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Ўзбекистон ССРнинг 1975 йилги халқ ҳўжалигини риволантириш давлат планини ва 1975 йилги давлат бюджетини дастлабки тартибда қараб чиқиши ва шу масала юзасидан ўз ҳулосаларини республика Олий Советига тақдим этишни республика давлат ҳокимияти олий органининг доимий комиссияларида теширди.

Тошкентда Ўзбекистон ССР

Олий Совети план-бюджет комиссияси, тармоқ комиссиялари ва бешлар иш билан шугулланувчи комиссиянинг қўшма мажлиси маъна шу масалага бағишланди. Ўзбекистон ССР халқ ҳўжалигини риволантиришнинг 1975 йилги давлат плани тўғрисида Министрлар Совети раисининг ўринбосари, республика Госплани раиси К. А. Аҳмедов доқлад қилди. Мажлисда, шунингдек республиканин 1975 йилги давлат бюджет тўғрисида Ўзбекистон ССР молия министри В. М. Муроджўаевнинг доқлади тингланди.

План-бюджет комиссиясининг

раиси Х. У. Умаров Ўзбекистон ССРнинг 1975 йилги халқ ҳўжалиги плани ва давлат бюджетини лойиҳаларини доимий комиссияларда қараб чиқиш, тартиби тўғрисида ахборот берди.

Республика ҳўкумати тақдим этган материалларни дастлабки тартибда ўрганиб чиқиш учун ўн тўртта қўшма тайёргарлик комиссиялари тузилди.

Депутатлар министрликларининг, идораларининг вакиллари, халқ ҳўжалиги мутахассислари, олимлар билан биргаликда бир неча кун давомида халқ ҳўжалигини риволантириш 1975 йилги плани

ва давлат бюджетининг тегишли қисмларини муҳокама қилдилар. Уларнинг талфилари саккизинчи қақрини Ўзбекистон ССР Олий Совети саккизинчи сессиясида қўнчила доқлад ва ҳулосалар учун асос қилиб оллинади.

Тайёргарлик комиссияларининг ташкилий мажлиси бўлиб ўтди, уларнинг иш планлари белгиланди.

План-бюджет ва тармоқ комиссияларининг мажлисида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. М. Матчонов қатнашди. (ЎзТАГ).



МЕБЕЛЛАР ЯНАДА ЧИРОЙЛИ БЎЛАДИ

Тошкентдаги «Шарқ» мебель фирмасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тобора катта шурдат қозоняпти. Турли хил мебелларнинг чироили ва қўнчилиги, сифатининг онлиб бориши ҳаридорларни мамун этмоқда.

Бу ерда турдош корхоналардаги илгор иш усуллари ўзлаштирилиш, янги техника ва технологияни ишлаб чиқаришга жорий этиш набиларга катта таъбир берилаяпти. Шунингдек, ихтирочилик ва рационализиаторлик тақлифларининг қўллаб тушайтганили ҳам фирма буюмларининг тақли қўнчилиши ҳамда сифатини яхшилашда муҳим омиллардан бири бўлмоқда.

Ш. АЛИМОВ.

СССР БИЛАН ВДР ЎРТАСИДА БИТИМЛАР ИМЗОЛАНДИ

8 декабрда Москвада Совет Иттифоқи томонидан Вьетнам Демократик Республикасига иқтисодий ва техникавий ердан кўрсатиш тўғрисида битимлар имзоланди.

Совет Иттифоқи ҳар иккала мамлакат ўртасида мавжуд қардошларча дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларига амал қилиб, зарур асбоб-уқунчалар ва материаллар етказиб бериш йўли билан ВДР халқ ҳўжалигини тиклаш ва янада риволантиришда ердан беради. Жумладан, санаот объект-

ларини қуришда, геология-разведка ишлари олиб боришда, шунингдек, ВДРга йўл-қурилиш машиналари, тракторлар, юк автомобиллари, қора ва рангли металллар прокати, нефть маҳсулотли, химиявий ўғитлар ва бошқа товарлар етказиб беришда ердан кўрсатиш кўзда тутилади.

Битимларин ҳар иккала ҳўкумат иқтисодий делегацияларининг бошчилигида: СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари И. Т. Новиков ва ВДР Бош министрининг ўринбосари Нгуен Зуй Чинь имзоладилар.

Ҳазилкент тошини ишлаш комбинатида Султон Усмонов бошлиқ пардозчилар бригадаси пешқадамлар сафиде бормоқда. Тўрт кишидан иборат бу аҳил коллектив зиммага олинган беш йиллик ишлаб чиқариш планини уч йилу саккизи ойда бажарди. Зарбдорлар тўққизинчи беш йиллик охиригача пладан ташқари 3370 квадрат метр гранит плиталари тайёрлашга аҳд қилишган.

Суратда: (ўнгдан чапга) бригада бошлиғи С. Усмонов, пардозчилар Р. Илёсов, Ф. Галамов, Ф. Шекле ўртоқлар. И. Портнов фотоси.

ФЕРМАЛАРДАН ДАРАҚЛАР

ОРЖОНИКИДЗЕ. Райондаги «Октябрь» колхозининг чорваларни ҳўжалик йилини катта муваффақиятлар билан якулашмоқдалар. Айниқса, сингирлардан-сут соғиб олинган аъёла қўнчалар. Давлатга 550 тоннадан эид сут соғилиб, план мундидан аввал адо этилди.

Сут бўлогини қўнчаларинида Фотима Меинлибеова, Гулзоҳира Булдинова, Ҳадича Назаркулова каби ферма жонкуярлари муносиб ҳисса қўшдилар. Эидиликда сут соғувчилар келгус йил ҳисобига маҳсулот топишмокдалар.

С. МИРЗААЛИЕВ.

БЕКОВОД. Держинский номли колхозда парраларини парварин қилиш яхши йўлга қўшилган. Парраидабокларлар оз минг ўрнига 145 минг дона туҳум топишди, йиллик планни 175 процент адо этдилар.

А. ҲАНДАРОВ.

ОҲАНГАРОН. 1- ва 3-«Охангарон» совхозларида моллар зооветеринария талабларига мувофиқ боқилаганини сабабли ҳар бир сингирдан 3400 килограммдан ошириб сут соғиб олинди. 3-«Охангарон» совхозининг С. Тўраева, Х. Эшбеова, Х. Мамбетова каби ишчилари сут соғиб олишда урناق қўрсатиб, социалистик мажбуриятларини ортин билан адо этдилар.

Бу икки совхозда чорва молларини қишлоьдан сениз ва сермахсул ҳолда олиб чиқиш учун барча чоралар қўнлмоқда.

Н. АБДУРАСУЛОВ, А. НАВРУЗОВ.

ПИСКЕНТ. Райондаги 2-«Пискент» совхозининг сут-товар фермасида иш қизғин. Чорваларлар сингирларини меҳр билан парварин қилишяпти. Озу-қан рационини ахшилаб сут бўлогини қўнчалтиришмоқда. Э. Сопова, М. Муталова, Х. Рисбекова каби ўртоқлар эидиликда келгус йил ҳисобига сут топишмокдалар.

М. СОПОВ.

ТЎНТЕПА. Ўрта Чирчиқ районидеги «Горняк» совхозининг чорваларларни мажбуриятини қонор ойдаёқ бажариб қўнчили.

Шу кунларда чорваларлар ишни яна ҳам пухта олиб бориб, қишлоьни намунали ўтказишга бутун куч ва этиборини қаратганли. Моллар иссиқ моҳоналарда боқилияпти. Шу сабабли сут соғиб олинган аъёла йўқ. Бу ерда чорва озукаси етарли. Сингирларга 3 килограммдан концентрат, 20 килограммдан ситос, 10 килограммдан сенаж, 2 килограммдан хашак берилаяпти.

Э. ТУРСУНОВ.

САНЪАТ ЯНГИЛИКЛАРИ

МУЗИКА ШИНАВАНДАЛАРИ УЧУН

Музикани ким ҳам севмайди, дейсиз. Аммо, бунинг ўзи кифоя қилмайди. Музикани тушуниш ва билиш ҳам керак. Бунга эса оқолинка эришилмайди. Шунинг учун ҳам кўпгина музика шинавандалари ўзбек Давлат филармониясининг

концерт-лекцияларини тинглайдилар.

Машгулотлари эндигина бошланаётган мана шу лекция-концертлар программаси хилма-хил тузилган бўлиб, улар кичик ва катта ёшдаги мактаб ўқувчиларини, ёш ишчилар ва студентлар учун мўлжалланган. Бу йилги мавсумда ҳам улар музика оламида сайр қилиб, кўп қизиқарли нарсаларни билиб оладилар.

классик ҳамда замонавий куйларини тинглаб, уларни чуқурроқ тушуниш йўллариини ўзлаштирадилар.

Шу муносабат билан Тўхта-сини Жаълилов номидagi ўзбек халқ асбоблари оркестри махсус программа тайёрлади. Унга Ўзбекистон композиторларининг республикамиз ҳамда Ўзбекистон компартиясининг 50 йиллиги шарафига яратган янги асарлари ҳам киритилган.

Ёшлар конкурсларининг лауреатлари учун ҳам алоҳида концерт программаси тузилади. Ёш ижрочилар совет ва чет эл музикаси авторларининг энг яхши эстрадалар қўшиқларини тинловчиларга айтиб берадилар.

Лекция-концертларини тинловчи ўртоқлар мавсум охиригача Икром Акбаров, Сайфи Жаълилов, Георгий Мусель, Фаттох Назаров ва бошқа таниқли ўзбек композиторларининг асарлари билан танишадилар. Лекция-концертлар учун абонементларни филармония кассаларида, шунингдек пойтахтдаги корхоналар, муассасалар ва ўқув юртларида сотиб олиш мумкин.

КИНОТОМОШАБИН- ЛАРГА СОВГА

Пойтахтимиздаги Санъат саройининг кинотеатри томошабинларга яхши маълум. Бу ерда уларнинг маданий ҳордиқ чиқариши учун яхши имконият яратилган. Пойтахтимизда ана шундай кинотеатрлар тобора кўпайибти. Бундан бир мунча вақт олдин очилган «Нукус» кинотеатри ҳам кенг экранли кинофильмларини намойиш этиш учун мўлжалланган бўлиб, унда томошабинлар учун кўп қулайликлар яратилган.

«Янгибод» кинотеатри ҳам худди шу номдаги массив аҳо-

лисига ўз эшикларини очди. Келаси йилда эса пойтахтимиз марказида республикамизда энг катта кинотеатр қурилиши бошланади.

ҚИШЛОҚЛАР МЕҲМОНИ

Яқинда «Лазги» ашула ва рақс ансамбли Тошкент об-ластини қишлоқлари бўйлаб, гастрол сафаридан қайтиб келди. Ансамбль коллективи, Юқори Чирчиқ районидagi «Политотдел», Энгельс номидаги колхозларда ва бошқа хўжаликларда концерт беришиб, ўз программаларидаги энг яхши қўшиқ ва рақсларини намойиш этишди.

«Лазги» ансамбли тайёрлаган янги программа хилма-хиллиги билан аввалгиларидан ажраллиб туради. Асосан Хоразм халқ рақси ва қўшиқларини иккиро этиш билан машхур бўлган бу ансамбль эндиликда замонавчи, бухорова, андижонча ва фарғонача куй ва ларларини ҳам томошабинлар эътиборига ҳавола қилмоқда. Яқинда рақсқосалар СССР халқ артисткаси Тамарахоним саҳнага қўйган қозоқча қизлар ларларини ўрганишди. Уларга Мов-луда Ойнақулова ва Урбу-гул Суярбоева вокаль дуэти жўр бўлмоқда.

А. ВАЛИЕВ.

КОЛХОЗ КЛУБИДА СИМФОНИЯ

ТОШКЕНТ областидаги «По-литотдел» колхозининг меҳнатчилари Ўзбекистон композиторлари яратган янги асарларини дастлабки тинловчилари бўлишди. Қишлоқ маданият саройида композиторлардан И. Акбаров, Ғ. Қодиров, Ш. Рамазонов, В. Дементьев, Ф. Назаров, Ўзбекистон радиоси ва телевидениесининг эстрада-симфоник оркестри артистлари ва солистлари ижросида қўшиқлар, романслар, пьесалар ян-ради. Ўзбекистон Композиторлар Союзи правлениесининг ра-ис А. Х. Жабборов Ўзбеки-стон композиторлари сўнгги бир неча йил мобайнида яратган асарлар тўғрисида колхозчилар-га сўзлаб берди.

«Политотдел» колхозида бў-либ ўтган учрашув шу кунлар-да концерт залларида, мадания-ят саройларида, театрларда, музика мактабларида ўтаётган кўп-жаъ уйрашувларининг бири-дир. Композиторлар иккид хи-собиот бермоқдалар — респу-блика музика маданиятининг бутунлиги кунини тарангум эту-вчи пьесалар ва симфониялар инграмоқда, опера ва балетлар намойиш қилинмоқда. Компози-торлар союзининг республика музика маданиятининг тарихи ва унинг Совет ҳокимияти йил-ларидаги тараққиёти йўллари— Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилган-лигининг 50 йиллигига бағиш-ланган юбилей пленумининг мавзуси шундан иборат.

(ЎзТАГ).



БУГУНГИ ТОШКЕНТ

Тошкент маркази йил сайин ўзгариб бормоқда. Бу ерда кенг, равои кўчалар қуриляпти, кўп явадли маъмурий ва турар-жой бинолари қад кўтарилди.

Суратда: Навоий проспекти.

М. Нуриддинов фотоси.

ҚИРЧАНҒИ

Ишхонамга келиб ҳали жой-ини ўтирмаган ҳам эдимки, эшик таянчлаб қолди.

— Кираверинг!— дедим га-лабданиб. Хонага бир киши ки-риб келди.

— Сизга нима керак?...— дедим совуққонлик билан.

— Кираверинг, от олмайси-ми?...— деди у.

Назаримда мен ҳали уйқуси-рдим ёни ёнимга келган ки-ши ақлидан озган. Кейин нима гап-лигини билиб олиш учун уни чимчилаб кўрдим. Лекин у ҳам уйқусирамасди. Демак, у ақл-сиз.

У берган саволига мени тушунади, деб ўйлади шеки-ли. Каттик овоз билан тақрор-лаб сўради.

— Минг афсуски сотиб оло-майман...— дедим,— чунки хо-зини кунда менга отнинг мут-лақо кераги йўқ. (Бу гапни чин кўнглимдан чиқариб айтдим).

— Аттани!— деди у афсус-ланиб,— унинг менга ҳам ке-раги йўқ эди. Аммо пул жуда ҳам зарур бўлиб қолди. Ик-ки минг. Ё ўлим ё ҳаёт!— деди у қовоғи солишиб.

Мен эса жим турардим.

— Арзонуққа ҳам сотишим мумкин,— деди у менинг ин-дамай қолганимга қотириқ қи-либ.— Лоқалл икки юза бўлса ҳам бераман. Менга икки юз бўлади. От урушдан аввалги йиллардаги першерон зотлар-дан! Бобомдан ёдгорлик!

— У тирими,— дедим хуш-муомалалик билан.

— Албатта, отни! Бўлмаса мен сизга ўлган отни сотарим-дими!

— Мен бобонгизни назарда тутяман.

— Э, ҳа! Бобом қазо қилган-лар. От бўлса хали бақувват, тиринг,— деди у жонланиб. Қа-лай? Олинг афсуски,

йўқ, ололмайман,— дедим қат-ий.

ҲАЖВИЯ

— Исмнигизни, ўлай агар билмайман,— деди мени ипош-тириб.

— Исмимни айтиб турибсиз-ку!

— Сизни нима деб чақир-шади?

— Петр...

— Демак мен тўғри айтиб-манда,— дея хотиржамланди. Хўш қалай? Отини олсанми?— деди яна у.

— Йўқ,— дедим овозимнинг борица.

— Жуда афсус, бўлмаса бундай,— деди у оғир уҳ че-киб ва тўппончасини яна кў-тарди.

— Бундай қилманг! Лекин ўз кабинетимда эмас! Унинг суранаман! Пулни олақолинг.

— Эрақлардан пул олиш менинг қондама тўғри келмай-ди,— дея тақрорлади-да, тўп-пончасини пешонамга тиради.

— Ундай тақдирда мен сиз-га 2000 ни қарзга бераман.

— Хоҳлаган пайтингиздагина бе-парсиз!.

У дудуқланиб қолди.

— Қарзингизни бир ўмр қай-тариб бера олмасан деб кўр-қаман...

— Ҳечқиси йўқ! Бермасангиз бермасиз!

— Ундай бўлса, майли,— дея у рози бўлди,— қарзга олсам олибман. Шунинг ёдингизда ту-тингки, пулингизни олаётганим-ча йўқман, қарзга бердингиз.

— Албатта!— дедим-да, пу-лин унинг қўлига тутказдим (ав-вал айтганимдай, бу пулни маши-на учун тўлаш мақсадида йўқ-қан эдим), ма,— уни кабинетим-дан даярли турта-турта чиқа-риб юбордим.

Ишдан уйимга қайтаётганим-да қоровул кўчада қўлимга хат тутқазди.

— Қандайдир бир нусха хат-ни сизга бериб қўйишимни сў-ради,— деди у.

Мен қоровулга ўн элоти пул бериб юбордим-да, ҳайронлик билан хатни очдим.

«Сиз менга пул қарзга бе-риб ҳаётимни сақлаб қолди-нгиз, сизга қандай қилиб ми-натдорчилигимни билдирсам экан, деб ҳар кунни ўйлаб юра-дим. Мана низоат иложини ҳам топдим. Сизнинг оққўнлиги-нгизга миннатдорчилик сифа-тида менинг учун энг қimmat-ли бўлган нарсамни берялман. Бу менинг учун ягона бўлган от...»— назаримда кўларимдан тарангум тушиб кетгандай бу-лди. Ана шундан кейингина во-леага тушурдим, машинам ол-дида бир қирчанги боллиқ ту-рарди. Бу менинг отим эди.

Одамларнинг ҳеч кимдан ми-натдорчилик кутма, деб ай-тишлари бениқ кутма...

Русчадан Т. УНАБОВЕВ

таржимаси.

мади. У республика пул-бурум лотереясининг 5-тиражиди 105-серия, 26449-номери биланги «Москва-412» енгил автома-шинаси ютган эди.

Колхоз шофери Деҳқонбой Солтевинг ҳам омади келди. Деҳқонбой 30 тийинга кажава-ли «Урал» мотоциклга эга бўлди.

В. БОБОХОНОВ,

Янгийўл райони.

БИЗГА ЕЗАДИЛАР 30 ТИЙИНГА „МОСКВИЧ“

Фрунзе номидаги колхоз аъзоси Х. Иўзодов ойлик маом ола-ётганда кассир шикота лотерея билети ҳам қўшиб берган эди.

Уйини тиражи газеталарда ушдан кунини Хожикат ака уйи-га келиб, лотерея билетларини текшириб-ю, кўзларига ишон-

Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и облисполкома

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26. ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар — 338142, номмутатор — 330249 дан 330259 гача.